# ҚАРОР ҚАТЪИЙ ЭМАС!

## шикоятга ўрин бор

булақолай, деб ўйлади, худонинг бу ожиз бандаси. Улар унвон илинжида 2003 йилнинг 16 январида Тошкент сари йўл олдилар. Йўл-йўлакай фуқаро Ҳабиба Аъзамова ҳам уларга йўлдош бўлди. Раҳмонжон ака бу аёлни танимасди, аёлнинг акаси Улуғбек Аъзамов Икромжон Ибрагимовнинг дўсти эканлигини билгач, ажабланмади. Маълум бўлишича, Ҳ.Аъзамова Тошкентга укасининг иши юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига шикоят ташлаш учун бораётган экан...

Тошкентда келиб, учовлон чексиз "қудрат" соҳиби, унвону хайрли ишларнинг "бошида" турадиган Эмиль Рўзибоевга учрадилар. Сезиб турганингиздек, Раҳмонжон Ҳамроқулов яқин кунларда кўксига унвон "тақадиган", энди бечора Ойбек ҳам қамоқдан уч кунда уйга "қайтадиган" бўлди. Бу ҳолат қанчалар фараҳли бўлмасин, бор-йўғи бир рўё эди. Агар одамлар Эмиль Рўзибоевдан унвон олганларида эди... қамалганлар ҳам бу шахснинг рухсати билан озод қилинганида эди!.. Эҳтимол...

Ҳа, буларнинг бари эҳтини ўзинг тўлайсан" қабилида шарт қўйганларидан сўнг ўртада жанжал чиқди. Можаро қўл кўтаришгача борди, қўни-қўшниларнинг аралашувидан сўнг одамлар тарқалишди. Аммо ўзига хос "разбор" ўтказган И. Ибрагимов пулни Р. Ҳамроқуловнинг бўйнига қўйиб кетди.

Табиийки, Раҳмонжон Ҳамроқулов "емаган сомсага пул тўламайман" қабилида юраверди, пул даъво қилаётган тараф эса тинч ўтирмади. 2003 йилнинг 5 августида Қўқон шаҳар прокуратураси фуқаро Ҳабиба Аъзамованинг аризасини асос қилиб, Р. Ҳамроқуловнинг устидан жиноят иши қўзгади. Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш учун ишни 28 августда Фарғона вилояти ИИБнинг тергов бўлимига юборди. Р. Ҳамроқулов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисм "а" банди билан айбланаётган эди.

Жиноят Кодексининг мазкур моддасида фирибгарлик, яъни ўзгалар ишончига кириб, уларнинг мол-мулкини алдов йўли билан ўзлаштириш, жўн қилиб,айтганда, ижтимоий аҳамияти ўта муҳим

ҳайдовчи Абдулҳамид Жўраев бошқарувидаги "Нексия" машинасида Тошкентга шахсий ишлари билан йўлга чиққанликлари, йўлда Р. Ҳамроқулов укаси Ойбек Аъзамовнинг иши юзасидан кетаётган Ҳ. Аъзамованинг ишончига киргани, укасини қамоқдан чиқариш учун танишлари борлиги айтгани акс этган. Тошкентга келганларидан сўнг эса Р. Ҳамроқулов гўё таниши Эмиль Рўзибоевнинг Ойбекни озод қилиш учун 15 000 АҚШ доллари сўраганини, бу пулни топиш учун Ҳ. Аъзамова қўлидаги уяли телефон орқали Қўқонга қўнғироқ қилгани ва "Ойи, ўғлингизнинг қамоқдан чиқишини хоҳласангиз, ҳовлини сотиб, пул тайёрланг" дегани баён этилади. Пировард натижада Аъзамоваларнинг Қўқондаги ҳовлисини Ойгул Эркабоевага 12 000 000 сўмга сотгани ва пулни Қўқон деҳқон бозори олдидаги валюта алмаштирилувчи "қора бозор"да 10 000 АҚШ долларига алмаштириб, Р. Ҳамроқуловга бергани ва улар шу заҳоти (Тошкентга) Эмиль Рўзибоевникига

кўзланган мақсади ана шу кўргазмадан аниқ бўлса, иккинчидан унвон олиб берадиган одам (бу шахс моҳиятан Э. Рўзибоев, яъни И. Ибрагимовнинг таниши — **А. Т.**) аслида кимнинг таниши эканлиги равшанлашади. Модомики, унвон олиб берадиган "ҳожатбарор" Э. Рўзибоев эмас экан, буни тасдиқлаш учун ўша ҳақиқий "ҳожатбарор"ни топиш лозим. Албатта, терговчи ишнинг адолатли ҳал бўлишидан манфаатдор бўлса.

Ишда жабрланувчи тарикасида гувоҳлик берган Ҳабиба Аъзамова эса Қўқондаги ҳовлисини фуқаро Ойгул Эркабоевага 12 000 000 сўмга сотгани ва "қора бозор"да уни бир неча дақиқада 10 000 АҚШ долларига алмаштириб, Тошкентда — Э. Рўзибоевнинг коттежи олдида Р. Ҳамроқуловнинг қўлига тутқазганини таъкидлайди. Бинобарин, бу кўргазманинг шундоққина ёлғон эканлиги кўриниб турибдики, терговчи буни эътиборга олиши лозим эди. Биринчидан, Ҳабиба Аъзамованинг уйига бир кун (!) ичида харидор топила қолганини тасодифга йўйганимизда

жон ака яшовчи маҳалла қўмитасининг муҳри ва қўмита котибаси М. Атаджанованинг имзоси билан тасдиқланган тилхатнинг сохталигини суд-хатшунослик экспертизаси аниқлаган. Тилхатдаги ҳуснихат Икромжон Ибрагимовга тегишли эканлигини, имзони эса аниқлашнинг иложи йўқлигини кўрсатган. Шундай бўлса-да, тергов бу ҳолатни айблов сифатида тан олаверган.

Азбаройи адолатсизликлар гирдобида қолиб кетган пенсионер терговлар мобайнида шифохонада ётганига қарамай терговчининг дўқпўписалари билан касалхонадан чиқариб юборилди ва прокурор санкцияси билан 20 кундан ортиқ қамаб қўйилди. Шундан сўнг ишни 2003 йилнинг 11 декабрида кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди Р. Ҳамроқуловни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" ва 177-моддаси 3-қисми "а" бандлари билан айбли топиб, амнистия қўллаш билан жазодан озод қилди. Ишни 2004 йилнинг 12 мартида кўриб чиққан жи-

Албатта, бинонинг пойдевори қийшиқ бўлса, унинг бир кун келиб қулаши муқаррар. Шундай бўлди ҳам. Сувни лойқалатиб келган Икромжон Ибрагимов ва жабрланувчимизнинг акаси Улуғбек Аъзамовлар навбатдаги товламачиликлари учун шу йилнинг 13 майида Қўқон шаҳар жиноят ишлар бўйича судининг ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар. Жабрланувчининг укаси Ойбек Аъзамов ҳамда келини айнан фирибгарликлари учун узоқ муддатли қамоқ жазосини ўташмоқда. Бу ҳақда вилоятдаги обрўли нашрлардан бири бўлган "Адолат йўли" газетасида ҳам "Бузоқнинг югургани сомонхонагача" сарлавҳали салмоқлигина мақола чоп этилган. Энди айтингчи, гувоҳу жабрланувчиларнинг ўзлари фирибгар бўлсалар, боз устига, жабрланувчининг Р. Ҳамроқуловга 10 000 АҚШ доллари берганини кўрган, "кўрдим" деб бемалол айта оладиган гувоҳ бўлмаса, кекса бир одамни фирибгарликда айблаб бўлармикан?! Ҳамма гап ана шунда.

**Абдураҳмон ТАШАНОВ,**
**журналист**